

XVI боб

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

16.1. Саноатни жойлаштириш тамойиллари

Саноатни мамлакат ҳудудида оқилона жойлаштириш — жамият курилишининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, республика ва ҳар бир иқтисодий район халқ хўжалигини юқори даражага кўтариш ва ривожлантиришнинг зарурий шартидир.

Маълумки, ишлаб чиқарувчи кучлар ва унинг энг муҳим элементи бўлган саноатни жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари ишлаб чиқариш усули билан белгиланади. Шу сабабли ҳозирги бозор муносабатларини шакллантиришда, унинг барча тармоқларини жойлаштиришда иқтисодий ислохотни давлат амалга оширмоқда ва бу унинг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда уни амалга ошириш миллий иқтисодиётимизнинг ҳозирги ҳолати ва стратегик вазифалари билан белгиланади.

Саноатни жойлаштириш деганда, уни ер шари ҳудудида, шунингдек, айрим мамлакат ёки иқтисодий районларда тақсимланиши тушунилади.

Саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш унинг ҳудудий ташкил этиш шакллари ифодалайди ва корхона (фирма)ларни маъмурий ва иқтисодий районларда жойлаштиришда намоён бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг бу реал секторини жойлаштириш ҳам бевосита ҳудудий меҳнат тақсимооти билан боғлиқ. Ижтимоий меҳнат тақсимооти унсури бўлган ҳудудий меҳнат тақсимооти (ХМТ) соддароқ қилиб айтганда, турли жойларнинг: мамлакат ёки вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашишидир. Натижада ана шу жойларнинг иқтисодий «башорати» шаклланади ва уларнинг ҳудудий тизимдаги ўрни ўз ифодасини топади.

ХМТ кенг маънода — бу ишлаб чиқариш соҳа (тармоқ)ларини ҳудуднинг табиий шароити ва бойликлари, аҳолиси, меҳнат ва бошқа ресурслари каби

ҳамда минтақа бозорининг ҳажми, аҳолисининг сотиб олиш қобилияти, инфратузилма ва коммукацион тизимининг ривожланганлик даражаси каби омилларга қараб жойлаштирилишини назарда тутди.

Саноат ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш — кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини юқори суръатларда амалга ошириш, мамлакат табиий бойликларидан ҳар томонлама самарали фойдаланиш ва бунинг натижасида ижтимоий меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ҳар бир корхонада маҳсулот таннархини пасайтириш, мамлакат барча иқтисодий ҳудудларини бир текис ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқ ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги тафовутни йўқотиш, мамлакат муҳофаа қобилиятини ошириш имконини беради.

Саноатнинг оқилона жойлашиши транспорт ва қишлоқ хўжалигининг жойлашишига ҳамда янги шаҳар ва қишлоқларнинг пайдо бўлишига, айрим иқтисодий ҳудудларнинг муайян маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашувига олиб келади.

Саноатни иқтисодий ҳудудлар бўйлаб жойлаштириш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш жараёнига узлуксиз эришиш, тежамкор ижтимоий меҳнат унумдорлиги ўсиши ҳамда аҳолининг моддий ва маданий фаровонлиги кўтарилиши саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги мезонидир.

Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг фундаментал тамойиллари мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқариш кучларини, хусусан, саноатни мамлакат бўйича оқилона жойлаштириш, иқтисодий сиёсатни амалга оширишда илмий асос бўлиб хизмат қилади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- саноат ишлаб чиқаришини авваламбор хомашё, ёқилғи-энергетика манбаларига яқин ва ниҳоят, саноат маҳсулотларини истеъмолчи ҳудудуларга тобора яқинроқ жойлаштириш;

- иқтисодий ҳудудлар ўртасида меҳнатни оқилона тақсимлаш ва иқтисодий ҳудудлар ҳўжалигининг мажмуали ривожланишини таъминлаш;
- ҳар қайси вилоят ва туманнинг иқтисодий ривожланиш даражасини бараварлаштиришга интилиш;
- саноат тармоқларини жойлаштиришда республиканинг муҳофаа стратегиясига асосланиш;
- мамлакатлараро иқтисодий алоқаларда ўзаро тенг манфаатли муносабатларни ўрнатиш, халқаро меҳнат тақсимои негизида самарадорликка эришиш, жаҳон ҳўжалишга интеграциялашувни жадаллаштириш;
- саноат корхоналарини жойлаштиришда ҳудуднинг экологик вазиятини ҳисобга олиш, атроф — муҳитга чиқиндилар чиқаришнинг меъёрий нормаларига асосланиш ва ҳоказо.

Юқорида келтирилганлардан маълум бўлаяптики, саноат ишлаб чиқаришини хомашё манбаига ва истеъмолчи ҳудудларга яқин жойлаштириш саноатни оқилона жойлаштиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Саноатнинг хомашё базасига яқин бўлиши қайта ишлашнинг барча тадрижий босқичларида ушбу ресурсни қайта ишлашдан тортиб, яримфабрикатдан тайёр маҳсулот олишга қадар, меҳнатнинг энг кам сарфлаш имкониятини назарда тутди. Масалан, электроэнергетика кўпинча сув ёки ёқилғи базасида ривожланади, тўқимачилик саноати хомашё манбаига яқинлаштирилади, озиқ-овқат саноати эса кўпроқ истеъмолчи ҳудудларда жойлаштирилади. Саноатни хомашё ва ёқилғи-энергетика манбаига яқинлаштириш ҳудудларда мавжуд ресурсларни қайта ишлаш соҳасига жалб этиш, корхона (фирма)ларнинг оқилона ўлчамини (размерини) белгилаш имкониятини беради. Хомашё, ёқилғи ва тайёр маҳсулотни узоқ масофага ташишни камайтиради ва шу асосда ижтимоий меҳнатни анчагина тежашга олиб келади.

Саноатнинг хомашё, ёқилғи-энергетика манбалари ва истеъмолчиларга яқин жойлаштирилиши саноат ишлаб чиқариши мамлакат бўйлаб бир текис тақсимланишини таъминламайди. Чунки мамлакат бўйлаб ишлаб чиқариш ресурслари нотекис тақсимланган.

Саноатни бир текисда жойлаштириш саноат тараққиётининг бозор иқтисодиёти шароитига мос сифат хусусиятидир. Лекин унинг барча соҳаларини дуч келган ҳудудга мажбуран жойлаштириш тавсия этилмайди. Ҳудудларнинг саноат ривожланиши орасида бундай тенгликка эришиш кўп ҳолларда бир қатор саноат корхоналарини уларга тегишли шарт-шароитлар йўқ ҳудудларга сунъий равишда жойлаштиришга, ижтимоий меҳнатнинг ортиқча харажатларига олиб келиши мумкин.

Саноатни хомашё ва ёқилғи-энергетика манбаига яқинлаштириш ва ишлаб чиқаришни мамлакат ҳудуди бўйлаб бир текис жойлаштириш интенсив равишда руй берадиган фан-техника тараққиётига имконият туғдиради. Электронизациялаштиришнинг ҳар тарафлама ривожланиши, ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш, янги технологиялардан кенг фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришининг табиий-жуғрофий (географик) муҳитга тобелигини сусайтиради, саноатни жойлаштириш пунктларини анча эркин пухта) танлаб олишга моддий-техник шарт-шароитлар яратиб беради. Электронизациялаш ва кимёлаштириш ишлаб чиқариш соҳасига янгидан-янги материалларни, ишлаб чиқариш чиқиндиларини, иккиламчи ресурсларни жалб этади. Хомашёдан мажмуали фойдаланиш турли хилдаги ишлаб чиқаришларни бирлаштиради.

Фан-техника тараққиёти геологик - қидирув ишларини кенгайтиришга, мамлакатнинг турли ҳудудларида минерал хомашёнинг янги конларини очишга имконият туғдиради. Саноатни жойлаштириш режаси, янги корхоналар ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари жойлаштириладиган ҳудудлар ва пунктлари танланишининг ҳар томонлама иқтисодий асосланишини талаб қилади.

Саноатни жойлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ижтимоий меҳнат унумдорлигида намоён бўлади. Иқтисодий районлар ўртасида меҳнатни оқилона тақсимлаш ва иқтисодий районлар хўжалигининг мажмуали ривожланиши саноатни жойлаштиришнинг муҳим тамойили бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий районлар хўжалиги мажмуали ривожланиши ҳудудларнинг ўзаро меҳнат тақсимои натижасида ўзига хос ихтисослашувига олиб келади. Айрим иқтисодий районларнинг ихтисослашуви уларда мавжуд бўлган табиий бойликларга ва ушбу бойликлардан халқ хўжалиги миқёсида оқилона фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Мамлакат ички ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳар бир ҳудуднинг республика миқёсида айрим бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашувини талаб қилади ва шу билан бирга ҳар бир ҳудудда шу ҳудуд талабларини қондирадиган тармоқлар ривожланишига олиб келади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг яна бир муҳим тамойили - мамлакатлараро дўстлик ва ўзаро иқтисодий ёрдам асосида ташкил топган халқаро меҳнат тақсимоидир. Бундай меҳнат тақсимои ҳар бир мамлакатда оқилона иқтисодиёт таркибини барпо этиш ва унинг ривожланиши учун табиий ва иқтисодий жиҳатдан қулай шароитга эга бўлган саноат тармоқларининг ихтисослашувини таъминлайди.

16.2. Саноатни жойлаштириш омиллари

Юқорида қайд қилинган тамойилларни амалга оширишда корхоналар ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари жойлаштириладиган жойларни танлашга таъсир кўрсатувчи омиллар эътиборга олинади.

Саноатни жойлаштиришга табиий ва техник-технологик, демографик, иқтисодий, экологик омиллар, ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари, транспорт воситалари, ишлаб чиқаришни жойлаштириш характери таъсир кўрсатади.

Табиий омилларга: фойдали қазилмалар, гидроэнергетика ва ўрмон бойликларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, ҳудуднинг иқлим шароитлари, табиий сув йўллари ҳамда меҳнат ресурсларининг жойлашиши киради. Юқоридаги барча омиллар экологик омил билан ҳисоблашишлари шарт. Ҳозирги экологик вазият шуни тақозо этади. Тоғ-кон саноати ва гидроэнергетика тармоқларида табиий шароит корхоналарининг техник-иқтисодий кўрсаткичларига таъсир кўрсатади ва бу тармоқ корхоналарини жойлаштириш фойдали қазилмалар ва гидравлик ресурслар жойланишига боғлиқ бўлади. Қора металлургия ва кимё саноати корхоналарининг жойлашиши асосан сув ресурсларига боғлиқ.

Аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг жойлашиши ўртасида ўзаро мустақкам алоқа мавжуд. Меҳнат ресурсларининг географик жойлашиши, аввало, кўп меҳнат сарфланадиган саноат тармоқларининг жойлашишига таъсир этади. Шунинг учун аҳоли сийрак бўлган ҳудудларда кўп меҳнат талаб қиладиган саноат тармоқлари (асбобсозлик, радиотехника, енгил саноат) жойлаштирилмайди.

Саноат тармоқларини жойлаштиришда айрим ҳудудлар меҳнат ресурсларининг таркиби ва тузилиши ҳамда малакавий даражаси муҳим аҳамиятга эга. Масалан, машинасозликнинг (автомобилсозлик, асбобсозлик, аниқ машинасозлик) юқори малака талаб қилувчи тармоқлари шундай малакали кадрлар бор ерда жойлаштирилади, хотин-қизлар меҳнатини талаб қилувчи енгил саноат аҳолининг зич ва аёллар ишчи кучи таклифи юқори бўлган ҳудудларда ривожлантирилади.

Фан-техника тараққиёти ҳамма саноат тармоқларини жойлаштиришнинг асосий омили ҳисобланади. Кимёлаштириш саноатни жойлаштиришга тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Кимёвий усулларни қўллаш саноатнинг жойлашишига иқлим таъсирини камайтирмоқда, натижада унинг республика ҳудуди бўйлаб бир текис жойлашувига шароит яратмоқда. Саноатнинг жойлашишига технологик жараёнлар характери ҳам таъсир этади. Биринчидан,

ишлаб чиқариш технологияси талаб қилинадиган хомашё ва энергия характери, ишлаб чиқарилувчи тайёр маҳсулот тури ва хусусиятлари, хомашё ва тайёр маҳсулотни ташиш шароитларининг ўзгаришига боғлиқ. Иккинчидан, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари жойлаштирилаётган корхоналарнинг технологик жараёнини танлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ер ости бойликларини қазиб чиқариш ва хомашё ҳамда ёқилғини бойитиш технологиясининг такомиллашуви тоғ-кон саноатини текис жойлаштириш имконини беради. Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ва компьютерлаштириш маҳсулотга сарфланадиган меҳнатни камайтиради. Шу туфайли компьютер технологиясига асосланган корхона (фирма)лар аҳоли сийрак ҳудудларга жойлаштирилса, катта самара олиш мумкин.

Саноатни жойлаштиришда концентрациялаш, ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш каби ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг прогрессив шакллари катта роль ўйнайди. Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви натижасида корхона истеъмол қилиши учун жуда катта хомашё ва энергетика базасини вужудга келтириш, корхона маҳсулотини истеъмол қилувчи ҳудудни кенгайтириш талаб қилинади. Натижада транспорт харажатлари ошиб кетади, корхоналарни жойлаштириш нуқтаси ва майдонини танлаш масаласи анча қийинлашади. Шу сабабли бозор шароитига ўтишнинг ҳозирги босқичида йирик корхоналарни жойлаштириш ўрнига ўрта ва кичик корхоналарни асослашда транспорт омилини ҳисобга олиш керак.

Ихтисослаштириш ҳам саноатни жойлаштиришга худди конкентрациялаштириш каби таъсир кўрсатади, чунки ихтисослаштириш бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни мужассамлаштиришдан иборатдир. Шунинг учун ихтисослаштириш даражаси ошган сари транспортга талаб ортиб боради. Корхона (фирма)ларни у ёки бу ҳудудга жойлаштиришда бундай харажатларнинг миқдорини албатта, ҳисобга олиш керак.

Корхоналарни кооперативлаштиришнинг саноатни жойлаштиришга таъсирини ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини барпо қилиш мисолида кўриш мумкин. Ҳудудий саноат мажмуи узоқ вақт ўзаро кооперативлашган алоқа қилувчи ҳар хил саноат тармоғига хос бўлган бир қатор корхоналардан иборат. Кооперативлаш омилини ҳисобга олмай туриб жойлаштирилувчи объект ёки мажмуаларнинг иқтисодий самарадорлигини тўғри аниқлаш мумкин эмас.

Ишлаб чиқаришни комбинатлаштириш саноатни жойлаштиришга турлича таъсир кўрсатади. Комбинатлар — юқори мужассамлашган корхоналар. Шунинг учун уларни жойлаштириш мужассамлаштиришга ўхшашдир.

Республика мудофаа қобилиятини янада юқори даражага кўтариш саноатни жойлаштиришни ташкил этишда, албатта, эътиборга олиниши керак бўлган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Саноатни жойлаштиришга олдиндан мерос қолган ишлаб чиқаришни жойлаштириш характери ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, дастлаб ташкил этилган хунармандчилик марказлари, улар инфратузилмасини шу ернинг ўзида ёки шу ҳудудга яқин бўлган жойларда барпо этилиши заруратини туғдиради.

16.3. Айрим саноат тармоқларини жойлаштиришдаги ўзига хос хусусиятлар

Айрим саноат тармоқларининг ўзига хос иқтисодий хусусиятлари ишлаб чиқаришни жойлаштиришга алоқадордир. Шунинг учун айрим тармоқларни жойлаштиришни режалаштириш ва иқтисодий асослашда уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Электр станцияларини жойлаштиришда минерал ёқилғиларни ташиш мумкин бўлган ҳолда, сув ресурсларини кўчириш мумкин эмаслиги ҳисобга олинади.

Қора металлургия саноати корхоналарини жойлаштиришда унинг хомашё базаси, ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатураси, корхона тури,

тармоқнинг сувга талаби ҳамда йирик металлургия комбинатларининг бошқа тармоқлар жойлашишини ва йирик шаҳарлар пайдо бўлишини эътиборга олиш зарур.

Кимё саноатининг турли тармоқларини жойлаштиришда замонавий кимё технологиясининг ўзига хос хусусиятлари, яъни кимё саноатига тегишли хомашё кўплиги, энергетика ресурслари ҳамда кўп тармоқларнинг чиқиндиларини мажмуали тарзда қайта ишлаш, бир турдаги хомашёдан турли ва бир турдаги маҳсулотларни ҳар хил хомашёдан олиш, синтетик материалларни барча иқтисодий ҳудудларда ишлаб чиқариш мумкинлиги ҳисобга олинади.

Машинасозлик саноатини жойлаштиришда ишлаб чиқариладиган маҳсулот хусусиятлари, тармоқнинг металлга бўлган талаби, уларни ташиш масалалари, айрим иқтисодий районлар саноатининг ихтисослашуви, иқтисодий ҳудудларнинг индустриал ривожланиш даражаси, машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш, машинасозлик саноати маҳсулотларига барча ҳудудларда талабнинг доимийлиги эътиборга олиш зарур.

Енгил саноат, озиқ-овқат саноатининг кўпгина тармоқлари мамлакатнинг барча иқтисодий районлари, бир қатор тармоқлар эса муайян ҳудудларда жойлашади. Булар — тикувчилик, трикотаж, пойабзал, қандолат, ун-ёрма, макарон маҳсулотларидир. Нон ва алкогольсиз ичимликлар саноати эса ҳар бир аҳоли пунктида жойлаштирилиши керак.

Юқорида кўрсатилган тармоқлар ва тўқимачилик саноати истеъмол бозори доираси кенг ҳудудларда жойлашади. Бунга сабаб хомашёни тайёр маҳсулотга нисбатан ташиш осонроқ, тайёр маҳсулот ассортименти истеъмол қилувчи маълум ҳудуд аҳолисининг жинсий ва ёш жиҳатдан таркибига, миллий менталитетига боғлиқ бўлишидир. Хомашё базасига яқин жойда эса шакар, ёғ-мой, консерва, спирт, виночилик, пахта тозалаш ва шу каби тармоқлар

жойлашади. Шундай қилиб, корхоналарни жойлаштиришни режалаштириш ва иқтисодий асослаш пайтида ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг умумий тамойилларига таяниш бутун саноатни жойлаштиришнинг юқори самарадорлигини таъминлаш имконини беради. Натижада ижтимоий меҳнат унумдорлига ошади. Бу эса, миллий иқтисодиётнинг ривожига катта таъсир кўрсатади.

16.4. Айрим корхоналарни жойлаштиришни иқтисодий асослаш усули

Саноат корхонасини жойлаштириш ҳудуди ва жойини танлаш янги қуриладиган корхона ҳажми ва ихтисослашишини, уларнинг ишлаб турган, лойиҳаланаётган корхоналар билан алоқаларини аниқлаш саноат корхоналарини фақат жуғрофий жиҳатдан тўғри жойлаштириш учунгина эмас, балки янги ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишни лойиҳалаш учун ҳам муҳимдир. Лойиҳанинг юқоридаги масалаларига бағишланган қисми қолган барча қисмларининг ишлаши учун манба бўлиб хизмат қилади. Бу қисмда корхонани мазкур жойда қуришнинг мақсадга мувофиқлиги, хомашё, ёқилғи, энергия ва сув манбалари, лойиҳаланаётган корхонанинг қиймати ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари аниқланади:

а) корхоналарни жойлаштириш ҳудудини танлаш;

Саноат корхонасини қуриш учун танланган ҳудуд (иқтисодий ҳудуд) қуйидаги талабларга жавоб бермоғи лозим: ҳудудда хомашё, ёқилғи, асосий ва ёрдамчи маҳсулотлар мавжуд бўлмоғи ҳамда лойиҳалаштирилаётган корхона маҳсулотига етарли талаб бўлиши зарур. Бундан ташқари, қурилаётган корхона учун танланган ҳудуд ишлаб чиқариш кучлари мажмуаси ривожланишини ва маҳаллий хомашё, энергетика ресурсларидан тўла фойдаланишни, танланган ҳудудда қуриладиган корхоналар улар мансуб бўлган тармоқларнинг мамлакат ҳудуди бўйлаб бир текис жойлашишини таъминламоғи керак.

б) корхонани жойлаштириш пунктини асослаш;

Янги корхонани жойлаштириш худуди ҳар томонлама иқтисодий асосланиб бўлгач, шу худуд ичида корхона қурилиш ўрни (пункти) белгиланади. Корхонани жойлаштириш пункти тўғри танланганлиги қурилишнинг қанча давом этишига, унинг қийматига ва корхонанинг истиқболда иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Корхонани жойлаштириш пунктини асослашда йирик шаҳарларда саноатнинг ҳаддан ташқари, муҳассамлашиб кетишига йўл қўйиб бўлмаслигига, корхоналарни ягона энергетика ва умумий коммуникацияларга эга бўлган ишлаб чиқариш шаклида қуриш мақсадга мувофиқлигига, аҳоли жойларининг ривожланишини ҳамда қабул қилинган санитария-гигиена талаблари ва нормаларига риоя қилиниши зарур.

Танланган қурилиш пункти транспорт харажатлари кам бўлиши учун хомашё манбаига ва истеъмол жойларига максимал яқин бўлмоғи лозим. Пунктни танлашда корхонани қуриш учун майдонни танлаш ва уни иқтисодий баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади. Майдон горизонтал юзага эга бўлмоғи лозим. Барча бинолар, иншоотлар, корхона, транспорт хўжалигини майдонда рационал жойлаштириш, келажакда кенгайтириш, темир йўл магистралига осон қўшилиш, сув билан осон таъминланиш ва ортиқча сувларни оқизиб юбориш, яқин ораликда жойлашган аҳоли пунктига эга бўлган санитария-гигиена талабларига жавоб бериши зарур.

16.5. Саноатни жойлаштиришдаги силжишларнинг иқтисодий самарадорлиги

Мустақиллик йилларида саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришда йирик ўзгаришлар рўй берди. Айрим худудлар ўртасида янгидан-янги алоқалар ўрнатилди, уларнинг ўзгаришлар давригача бўлган ихтисосланиши тубдан ўзгарди. Саноатда қайта ишлаш учун янги худудларда жойлашган бир қатор фойдали қазилма конлари ишга туширилди. У ерларда кучли саноат мажмуалари ташкил топди. Бу ўзгаришлар юқорида айтиб ўтилган саноатни

жойлаштириш тамойиллари Ўзбекистон давлатининг иқтисодий стратегияси ва тактикаси асосида рўй берди ва бу ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг оширилишига олиб келди.

Саноатни жойлаштиришда рўй берадиган туб ўзгаришларнинг иқтисодий самарадорлиги кўпгина кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобга олинади. Лекин, бу ўзгаришларнинг бир қисмини миқдор жиҳатдан ўлчаш мумкин эмас, чунки улар силжишларнинг сифат жиҳатидан натижасини кўрсатади. Булар қаторига янги ҳудудларнинг жуда катта фойдагги қазилма ресурсларини саноатда фойдаланиш учун ишга тушириш, илгари нисбатан қолоқ ҳудудларнинг индустриал ва аграр ҳудудларга бўлинишини йўқотиш ва шу қабилар киради.

Саноат жойлашишидаги силжишларнинг иқтисодий самарадорлигини миқдор жиҳатдан ҳисоблашда биринчи навбатда халқ ҳўжалигига сарфланган капитал маблағлар самарадорлигини ошириш кўзда тутилади.

Саноатни жойлаштиришдаги силжишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг муҳим кўрсаткичларидан яна бири меҳнат унумдорлигининг ошишидир. Республиканинг марказий ҳудудларида жойлашган бир қатор тармоқ корхоналари бошқа ҳудудлардаги корхоналарга нисбатан юқорироқ меҳнат унумдорлигига эга. Лекин бошқа ҳудудларда қурилаётган корхоналар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этадилар.

Саноатни жойлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлайдиган яна бир кўрсаткич — маҳсулот таннархидир. Бошқа ҳудудларда жойлашган корхоналар маҳсулотининг таннархи ривожланган ҳудудлардаги корхоналарникидан бирмунча паст бўлиши мумкин. Лекин бундай йўқотиш мамлакат миқёсида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий тараққиёт туфайли барҳам топади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан амалга оширилган анчагина силжишлар билан бирга мамлакат саноатини жойлаштириш борасида ечилмаган

бир катор муҳим муаммолар мавжуд. Уларни ҳал этиш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътиборни қаратиш зарур:

- республикада ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш бозор шароитига мос равишда олиб борилиши, унинг табиий бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда кооперативлаштириш афзалликларидан тўлғатқис фойдаланиш;

- кичик ва ўрта бизнесга тегишли саноат корхоналарини қишлоқларда яратиш, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тармоқларини олиб кириш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

- саноат объектларининг қурилиш муддатини қисқартириш ва улардан фойдаланиш харажатларини кескин камайтириш;

- табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш шароитларини яратиш ва ҳ.к.лар.

Саноат объектларини жойлаштириш самарадорлигини аниқлашда капитал қўйилманинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг расмий усулидан фойдаланиш мумкин. Бу усулга биноан саноат корхонасини жойлаштиришнинг иқтисодий жиҳатдан энг қулай лойиҳа-маҳсулот бирлигига сарфланадиган ижтимоий меҳнат камайишини таъминловчи вариант танлаб олинади. У қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$X = T + E_k \cdot K,$$

Бу ерда:

T — конкрет ҳудуд шароитида тайёрланадиган маҳсулотнинг тўла таннарни;

E_k — капитал қўйилманинг норматив қиёсий самарадорлик коэффициенти;

K - ишлаб чиқариш қувватини яратиш учун лозим бўлган капитал қуйилма миқдори.

Саноат объектларини жойлаштиришнинг қиёсий самарадорлигини аниқлаш капитал қуйилма ва маҳсулот таннарини ҳисоблашни ва бошқа

шароитларни ҳам батафсил аниқлаш ҳамда ҳар томонлама таққослашни ва барча имкониятларни назарда тутишни тақозо этади.

Қисқача хулосалар

Саноатни оқилона жойлаштириш — ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш ва мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Ўзбекистонда эришилган мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш мамлакат саноатини ҳудудлар бўйича жуғрофий жойлаштиришга тубдан ўзгартиришлар киритди. Саноатни жойлаштириш Ўзбекистон давлатининг иқтисодий стратегияси ва тактикаси, иқтисодиётнинг қонуниятлари билан боғлиқ бўлган таъминотлар асосида амалга оширилмоқда. Саноатни хомашё манбаларига ва маҳсулотни истеъмол қилувчи ҳудудларга яқинлаштириш мамлакат табиий ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, хомашё ва тайёр маҳсулотни ташишда жуда катта тежамкорликка эришиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш сарфларини камайтиришга имконият туғдирмоқда.

Саноатнинг алоҳида тармоқларини жойлаштиришнинг характерини аниқлашда тармоқ хусусиятлари, жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулот хизмати (иши, вазифаси), истеъмол қилинадиган хомашё материаллари ва уларни қайта ишлаш технологиясининг хусусиятлари, корхонанинг типи, ушбу тармоқнинг иқтисодий район ихтисослашуви ва шаҳарлар ташкил топишига таъсир даражаси ҳисобга олинади.

Саноатни жойлаштириш жараёнида ҳудуд ва объектнинг қурилиш жойини танлашни асослашда корхона қурилишининг ва ушбу объектни келажакда ишлатишнинг ҳам максимал тежамкорлигини назарда тутиш керак. Айниқса, янгидан яратилаётган корхона учун майдон танлаш иқтисодий жиҳатдан пухта асосланиши зарур.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти нимада?
2. Саноатни жойлаштиришнинг тамойиллари (фундаментал қоидалари) нималардан иборат?
3. Саноатни жойлаштиришга қандай шарт-шароитлар таъсир этади?
4. Тармоқларни жойлаштиришдаги ўзига хос хусусиятлар нималарда намоён бўлади?
5. Саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришдаги силжишлар ва истиқболдаги вазифалар нималарни кўзда тутати?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
2. Каримов И.А. ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. 73 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жихозлаиши рағбатлантиришга оид қушимча чора-тадбирлар тугрисида»ги Фармони. Халқ сузи. 2007 йил, 15март.
4. А. Рўзиев. Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси. Термиз: “Сурхондарё”, 2000. – 120 бет.
5. А. Рўзиев, О. Рўзиев. “иқтисодий интеграциянинг ҳудудий географик жиҳатлари”. Термиз: “Сурхондарё”, 2001. – 20 бет.
6. Промышленность Республики Узбекистан. 2000-2008. Статистические сборники.
7. <http://www.gov.uz> - «Хукумат сайти».
8. <http://www.tsue.uz> – «Университет сайти»